



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

**ЎЎЗАНИНГ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИНИНГ УРУЎЛИК ЧИГИТИНИНГ
МОРФО-БИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

Муталова М.К PhD

Қаҳҳоров И.Т DSc

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси институти*

e-mail: igebr_anruz@genetika.uz

1 Астрахан Давлат техника университети Тошкент вилояти филиали

Аннотация: *Мақолада Ўзанинг нав ва тизмаларининг уруғлик чигитининг морфо-биологик таҳлили натижалари, чигит қобиғи ранги ҳақидаги таҳлиллардан маълумотлар келтирилган.*

Аннотация: *В статье представлены результаты морфобиологического анализа семян сортов и линий хлопчатника, сведения об окраске семенной кожуры.*

Abstract: *The article presents the results of morphobiological analysis of seeds of cotton varieties and lines, information on the color of the seed coat.*

Калит сўзлар: *чигит, гўза, нав, дурагай, морфология, қобиқ, линия, ўсимлик, ген.*

Ключевые слова: *семя, хлопок, сорт, гибрид, морфология, оболочка, линия, растение, ген.*

Key words: *seed, cotton, variety, hybrid, morphology, shell, line, plant, gene.*

Чигитда ҳар хил – яшил ва жигар ранг тусли туклар бўлади. Оқ тукли формалар билан туки рангли формалар чатиштирилганда F1 дурагайларда туклар рангли бўлиб, иккинчи бўғинда мураккаб ажралиш рўй беради.[2] Баъзан гомозигота формалар оқ туклилар билан чатиштирилганда яшил тукли дурагайлар пайдо бўлади. Яшил тукли ўсимликлар жигар ранг туклилар билан чатиштирилганда F2 да оқ ранглилар ажралиши ҳоллари ҳам учрайди. Бундай ҳолларда яшил рангли туклар гени жигар ранг генига эпистатик деб қараш мумкин (Carver 1929)

G. hirsutum нинг оқ тукли навлари G. barbadense нинг туксиз навлари билан тураро чатиштирилса, F1 нинг чигити туксиз чигитли ота-онадан ирсийланган яшил тукли бўлиши мумкин. Бундай ҳолнинг бўлиши туксиз чигитлиларда тукларни ривожлантирувчи ген таъсир қилмайди деб қаралганда ҳам, тукнинг рангини тартибловчи бошқа генлар нормал функция бажаршини кўрсатади.[4]




"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Чигит туки ранги аллель бўлмаган генлар таъсири остида ирсийланади. Чигит туки турли рангга эга бўлган тизмаларни қимматли хўжалик белгилари бўйича бир – биридан фарқланиши аниқланди[3].

Чигит қобиғи тукининг оқ рангга бўлишлиги тола чиқимини юқори, лекин толанинг узунлиги кўрсаткичини пастроқ бўлишига олиб келиши аниқланди.[1]

Уруғлик чигити кўрсаткичлари, яъни 1000 дона чигит мисолида вазни, шакли, туқланиш даражаси, қобиғи ранги ўрганилди. Тажрибадаги ашёларнинг чигит қобиғи ранги нав ва тизмаларда Келажак-2 навида жигар рангдаги чигитлар ўртача 84%, кўк рангга 7.8%, оқ рангдагилари 8.2%, ЎзФА-717навида жигар рангдаги чигитлар ўртача 84,1%, кўк рангга 6.1%, оқ рангдагилари 9.8 %, ЎзФА-718 навида жигар рангдаги чигитлар ўртача 84,4%, кўк рангга 8.4 %, оқ рангдагилари 7.2%, ЎзФА-719 навида жигар рангдаги чигитлар ўртача 86.1 %, кўк рангга 9.7 %, оқ рангдагилари 4.2% ни ва тизмалардан Л-218 жигар

Ғўзанинг нав ва тизмалардаги чигит рангининг фарқланиши



а-жигар ранг. б-кўк ранг. в- оқ рангдаги чигитларнинг умумий кўриниши

рангдаги чигитлар ўртача 86 %, кўк рангга 6.6 %, оқ рангдагилари 7.4 %, Л-421 жигар рангдаги чигитлар ўртача 83.2 %, кўк рангга 14.9 %, оқ рангдагилари 1.9 %, Л-252 жигар рангдаги чигитлар ўртача 87.4%, кўк рангга 8.8%, оқ рангдагилари 3.8 %, Л-580 жигар рангдаги чигитлар ўртача 84%, кўк рангга 7.8%, оқ рангдагилари 8.2%, Л-1305 жигар рангдаги чигитлар ўртача 84.7%, кўк рангга 5.2 %, оқ рангдагилари 10.1 % ташкил этди. Бу кўрсаткич нав ва тизмаларда энг кўп миқдор жигаррангга (83,2-92,2%) , кўк ранг (2,4-14,9%) ва оқ рангли чигитлар (1,9-10,1 %) намоён бўлиши аниқланди.

Адабиётларда келтирилишича, чигит қобиғи тукининг оқ рангга бўлишлиги тола чиқимини юқори, лекин толанинг сифати пастроқ ва толанинг дағалроқ бўлишига таъсир қилиши аниқланган.

Чигит қобиғи тукининг яшил рангга бўлишлиги эса тола сифати юқори, лекин тола чиқимини кам бўлишига таъсир этишини кўрсатади. Чигит қобиғи тукининг жигарранг бўлиши тола сифати ва тола чиқими ўртача бўлишига олиб келиши кузатилади.



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Дусматова Г.А. Қаҳхаров И.Т. Ғўзанинг чигит қобиғи рангининг қиматли-хўжалик белгилари билан ўртасидаги боғлиқлиги даражаси. // "Наука и инновации": Халқаро илмий-амалий конференция.-Тошкент, 2019. - С. 45-47.
2. Дусматова Г.А., Қаҳхаров И.Т. Наследования показателей окраски подпушки семян у гибридов хлопчатника видов *G.hirsutum* L. и *G.barbadense* L. // Научное обозрение – Биологические науки. – Россия, 2019. № 4. -Б. 10-14. (03.00.00; №23).
3. Жалолов Х.Х. "Ғўза дурагайларида қиматли хўжалик белгиларининг чигит туки рангига боғлиқ ҳолда ирсийланиши" Автореферат, 32-б. Тошкент 2018
4. Симонгулян Н. Г., С. Р. Муҳаммадхонов, А. Н. Шафрин Ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги // «Ўқитувчи» нашриёти Тошкент – 1974 Б-23